

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ҲУҚУҚ ФАКУЛЬТЕТИ

«ФУҚАРОЛИК ВА ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ» КАФЕДРАСИ
Экология ҳукуки фанидан

РЕФЕРАТ

***МАВЗУ: «ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИК»***

Топширди: Отажанов Бобур

Қабул қилди: Утегенов О

РЕЖА:

КИРИШ

I БОБ. Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик умумий тушунчаси

1.1 Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва функциялари

1.2 Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизими

1.3 Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик

II БОБ. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик тушунчаси ва қўллаш асослари

2.1. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик тушунчаси

2.2. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жазо турлари

3.3. Интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

ХУЛОСА

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

К И Р И Ш

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш вазифаларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб:

А) аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада – одамларнинг, айниқса болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш;

Б) жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган ўсиб келаётган авлодни, профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, таълим савиясини янада такомиллаштириш ва сифатини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

В) халқнинг турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув, электр энергияси ва иссиқлик билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқа асосий экологик устувор вазифаларни амалга ошириш. Давлат дастурига Президентимиз фармони томонидан ишлаб чиқилган ва бу дастур амалда бажарилишини изшил давом этмоқда.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий соҳалардаги кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга ҳамда пировардида мамлакатда барқарор экологик муҳит шакллантиришга қаратилган экологик сиёсат олиб борилмоқда. Бу борада айниқса экологик муносабатларни тартибга солишда экологик омиллар устуворлигини таъминлашга хизмат қилувчи юридик жавобгарлик чоралари катта аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, атроф табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иккинчидан, экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнини кафолатлаш ва учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу соҳадаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик бу борада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича энг ишончли ва самарали усул эканлиги узоқ йиллик амалий тажрибада ўз тасдиғини топди. Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар салбий оқибатларининг оғирлиги жиҳатидан, ўзининг демографик, экологик, ижтимоий хусусиятлари бўйича хавфсизликка таҳдид солишининг аниқлиги жиҳатдан жиддий ҳодиса бўлиб қолмоқда. Бу яна инсоннинг ўртача яшаш умрининг қисқариши, турли касалликларнинг, ўлим ҳодисаларининг кўпайиши ҳамда аҳоли генофондининг сусайишига сабаб бўлмоқда, экологик ҳалокатнинг ва экологик инқироз ҳудудларининг пайдо бўлишига ва табиий ресурслар деградациясига сабаб бўлмоқда.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик **биринчидан**, экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали ва ишончли

воситаси ҳисобланади; **иккинчидан**, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишда муҳим аҳамият касб этади; **учинчидан**, табиатдан махсус фойдаланувчиларни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш чораларини ўз вақтида кўришларини таъминлайди, уларни экологик ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туради; **тўртинчидан**, табиатдан фойдаланувчиларни табиий ресурслардан оқилона фойдаланишларини рағбатлантиради; **бешинчидан**, юридик жавобгарлик экологик ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарар қопланишини, бузилган табиий ресурсларни асл ҳолига қайтарилишини таъминлайди ва ҳ.к.

I БОБ. ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УМУМИЙ ТУШУНЧАСИ

1.1 Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва функциялари

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини ўрганиш уни юридик жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган мустақил бир тури эканлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Шу боис, аввало, юридик жавобгарлик ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари масаласига тўхталиб ўтсак.

Бу борада ҳуқуқшунос олимлар илмий тадқиқотларини ўрганар эканмиз, улар томонидан юридик жавобгарлик ва унинг тизими ҳақида турли-туман фикр ва мулоҳазалар билдириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, ҳуқуқшунос олим З.М.Исломов “юридик жавобгарлик – мураккаб, кўп қиррали ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг тушунчаси, моҳияти ва мазмуни юридик адабиётларда ҳануз мунозараларга сабаб бўлмоқда”, деб таъкидлаб, юридик жавобгарликка “ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг давлат мажбурлов характеридаги муайян чекловларга чидаши мажбурияти”, деб таъриф беради. М.Аҳмедшаева эса, юридик жавобгарликка қуйидагича таъриф беради: “юридик жавобгарлик бу ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида айбдор шахсга давлат таъсир чораларини қўллаш ва муайян салбий оқибатларни тайинлаш зарурияти бўлиб, бунда шахс муайян неъмат (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва б. ҳуқуқ)лардан маҳрум этилади”.

Мазкур масала хусусида ҳуқуқшунос эколог олимлар нуқтаи назарлари алоҳида эътиборга лойиқ. Чунончи, Республикамиз эколог-ҳуқуқшунос олимлари томонидан юридик жавобгарлик бўйича ўз нуқтаи-назарини баён этар экан, унга қуйидагича таъриф беради: “юридик жавобгарлик – бу белгиланган ҳуқуқ нормалари ва ҳуқ-атвор қоидаларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралари мажмуи”.

Юридик жавобгарлик – ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан, у бузган ҳуқуқ нормаси

санкциясида кўзда тутилган давлат мажбурлов чорасини қўллаш ва муайян салбий оқибатларни тайинлаш заруриятини ифодалаб, шахс муайян шахсий, мулкӣ, ташкилий ва б.қ. неъматлардан маҳрум этилишида намоён бўлади.

унинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

1) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқий тартиботни сақлашнинг воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади;

2) юридик жавобгарлик давлат мажбурлови билан боғлиқ;

3) юридик жавобгарлик фақатгина ҳуқуқ нормаси асосида вужудга келади;

4) юридик жавобгарлик содир этилган ҳуқуқбузарлик учунгина қўлланилади;

5) юридик жавобгарлик муайян шахсий ёки мулкӣ характердаги чекловлар қўлланилиши билан тавсифланади;

6) юридик жавобгарлик давлат ва жамоат муҳокамаси билан узвий боғлиқ.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарликка хос хусусиятлар сирасига қуйидагиларни олимлар томонидан киритилган:

1) юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури сифатида шаклланади ва ривожланади;

2) юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чораси бўлиб, алоҳида ҳуқуқ институти ҳисобланади;

3) юридик жавобгарлик турлари ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланади ва шу асосда ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилади.

Юридик жавобгарликнинг умумий хусусиятларини унинг ҳар бир турига хос бўлган алоҳида белгиларидан фарқлаш лозим.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам юридик жавобгарлик кўринишларидан бири бўлиб, қуйидагича ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

1) экологик ҳуқуқбузарликлар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида содир этилади;

2) ҳуқуқбузарлик объекти – экологик қонунчилик билан кўрикланадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади;

3) экологик ҳуқуқбузарликлар одатда, бир неча объектга (атроф табиий муҳит, табиий комплекслар, табиий ресурслар ва объектлар, инсон саломатлиги ва ҳ.к.) зарар етказади;

4) экологик ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга меҳнат, фуқаролик, маъмурий ёки жиноят қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган интизомий, моддий (фуқаролик-ҳуқуқий), маъмурий ёхуд жиноий жавобгарлик чоралари қўланилиши мумкин;

5) экологик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу унинг табиатдан фойдаланувчининг ҳуқуқларини чеклаш ва ҳаттоки бекор қилиш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик, яъни, экологик қонунчилик талаблари ва нормаларига риоя қилмаслик, табиий ресурсларидан фойдаланиш шартлари ва тартибини бузиш, табиат объектларига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш, экологик хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажармаслик ва табиий муҳитга зарар етказганлик учун экологик-ҳуқуқий, жиноий, маъмурий, меҳнат, фуқаролик, молиявий хўжалик қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий восита ва чоралари қўлланилади.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик умумюридик жавобгарликнинг тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида бошқа юридик жавобгарликлардан ҳам фарқланади.

Юридик жавобгарлик институти икки қисмдан иборат: биринчиси, экологик-ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши факти бўйича юзага келган ҳуқуқбузарлик (ер, сув, ўрмон, атмосфера ҳавосини ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш); иккинчиси – ушбу ҳуқуқбузарликлар учун белгиланадиган

хукукий муносабатлар (жиноий, маъмурий, фуқаролик-хукукий, интизомий ва бошқалар).

Юридик ва экологик-хукукий жавобгарликни уч турли, аммо ўзаро боғлиқ бўлган маъноларда кўриш мумкин:

1. қонунда белгиланган талабларни бажаришга давлат мажбурлови сифатида юридик ва экологик-хукукий жавобгарлик;
2. юридик ва экологик-хукукий жавобгарлик хукукий муносабат сифатида;
3. юридик ва экологик-хукукий жавобгарлик хукукий институт сифатида.

Экологик-хукукий жавобгарлик бажарадиган асосий функцияларни куйидагича уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1) экологик-хукукий жавобгарликнинг рағбатлантирувчи функцияси – табиатдан фойдаланувчилар ва фуқароларнинг экологик қонунчилик талаб ва қоидаларига оғишмай риоя этишларини таъминлайди. Рағбатлантирувчи функция экологик қонунчилик нормаларини бузмаган фуқароларга нисбатан ҳеч қандай салбий оқибатларга сабаб бўлувчи жавобгарлик чоралари қўлланмаслигини англатади.

2) экологик-хукукий жавобгарликнинг компенсацион функцияси – ушбу функция жавобгарлик чорасининг қўлланилиши натижасида табиий муҳитга, бирон табиий объектга ёки ресурсга етказилган зарарнинг ўрни қопланилиши зарурлигини англатади.

3) экологик-хукукий жавобгарликнинг превентив функцияси – бу огоҳлантирувчи функция бўлиб, бошқа фуқароларни жазо қўллаш таҳдиди билан экологик ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишдан тийиб туради.

Демак, табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экологик тизимни, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилгандир.

1.2 Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизими

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ўрганишда экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизими муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Давлатнинг ҳуқуқий тизими, одатда уч гуруҳ: жиноий, маъмурий ва интизомий жазо санкциялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб экологик талабларни, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликка оид қоидаларини бузганлик учун жиноий, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик қўлланилиши мумкин.

Қуйида экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизимини ташкил этувчи интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид умумий тушунча ва хусусиятлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Интизомий ва маъмурий жавобгарлик мазкур жавобгарликнинг таркибий қисми сифатида табиатга зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят даражасига етгунига ҳамда табиатга кучли зарар етказиб, қатъий жазоланиши талаб этиладиган босқичга етгунга қадар, унинг олдини олиши, уларга қарши курашишни талаб этади.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини ўрганишда экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизими муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Давлатнинг ҳуқуқий тизими, одатда уч гуруҳ: жиноий, маъмурий ва интизомий жазо санкциялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб экологик талабларни, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликка оид қоидаларини бузганлик учун жиноий, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик қўлланилиши мумкин.

Қуйида экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизимини ташкил этувчи интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид умумий тушунча ва хусусиятлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Интизомий ва маъмурий жавобгарлик мазкур жавобгарликнинг таркибий қисми сифатида табиатга зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракат

ёки ҳаракатсизлик жиноят даражасига етгунига ҳамда табиатга кучли зарар етказиб, қатъий жазоланиши талаб этиладиган босқичга етгунга қадар, унинг олдини олиши, уларга қарши курашишни талаб этади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномадан ёки мажбуриятларни бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) туфайли келиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган мулкӣ таъсир чораларини қўллашни кўзда тутати. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жавобгарликнинг превентив (олдини олиш, огоҳлантириш) мақсадини кўзловчи жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ ҳам олдини олиш (превентив), ҳам зарарни қоплаш мақсадларини назарда тутати. Бундан ташқари яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик санкцияларини қўллаш тажовуз объекти ҳолатига таъсир кўрсатмайди. Бу ҳол зарарни реал қоплашдагина назарда тутилади.

Жиноий жавобгарлик эса, юридик жавобгарлик тизимида энг оғир жавобгарлик тури бўлиб, айбдорга нисбатан қатъий таъсир чораларини қўллашни, унга иқтисодий таъсир этиш, башарти бу уни ахлоқан тузатиш учун етарли бўлма-са, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ҳам қўллашни назарда тутати.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари айрим жиҳатлари билан ўхшаш бўлиб, бу уларни аниқ фарқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Маъмурий ножўя қилмишларни жиноятдан фарқловчи мезонлар бўлиб, оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги, зарар ҳажми, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг такрорийлиги даражаси ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик интизомий ва жиноий жавобгарлик оралиғида турувчи юридик жавобгарликнинг мустақил бир шакли бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган маъмурий-ҳуқуқий чоралар орасида муҳим аҳамиятга эга. Қатор ҳолларда, ижтимоий хавфлилиги жуда ҳам юқори бўлмаган қилмиш содир этилганда, унга тез таъсир қилувчи чора талаб этилади. Маъмурий ҳуқуқий жавобгарлик шундай тез ва самарали таъсир кўрсатувчи жавобгарлик шакли сифатида намоён бўлади. Бу уни

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий воситаси сифатида нисбатан кенг қўлланилиши заруриятини асослайди.

Юридик жавобгарлик тизимида маъмурий жавобгарликнинг тутган ўрнини аниқлаб олиш учун даставвал, уларнинг ўхшаш жиҳатларини кўриб ўтиш жоиз. Ушбу жавобгарлик турларининг биринчи ўхшаш томони шундан иборатки, улар давлатда қарор топган ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилади; иккинчидан, жавобгарлик санкциялари қонунлар билан ўрнатилган; учинчидан, улар ҳуқуққа хилоф, айбли қилмиш (ҳуқуқбузарликлар) учун қўлланилади; тўртинчидан, қонун ҳужжатларида жавобгарликни қўллаш жараёни ва жавобгарликни қўлловчи органларнинг ваколатлари кўрсатиб ўтилган; бешинчидан, уларни қўллашда айбдор шахсга нисбатан салбий оқибатларни келтириб чиқаради, уни муайян ҳуқуқлардан маҳрум этади, ёки чеклайди.

Юқорида кўриниб турганидек, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик талай ўхшаш жиҳатларга эга. Бироқ, қонунийликни таъминлашда ҳуқуқбузарликни тўғри тавсифлаш, айбдорни қонуний, асослантирилган ва одилона жазога тортиш мақсадида, ҳуқуқбузарлик кўринишларини фарқлаш лозим бўлади.

Хусусан, жиноят маъмурий ва интизомий ҳуқуқбузарликлардан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади: а) жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси; б) қўлланадиган жазо ва жавобгарлик чораларининг оғирлиги; в) қўлланилиш асослари; г) келтириб чиқарадиган оқибатларининг оғирлиги ва ҳ.к.

Интизомий ҳуқуқбузарликлар эса, маъмурий ва жиноий қилмишлардан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

- ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори бўлмайди;
- интизомий ҳуқуқбузарликлар меҳнат қонунчилиги, жиноят-ижроия қонунчилиги (озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан) ҳамда маъмурий қонунчилик (устав ва низомлар воситасида) билан тартибга солинади;

- интизомий ҳуқуқбузарликлар одатда, хизмат вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади;
- интизомий ҳуқуқбузарлик таркиби ва турлари жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан анча тор;
- интизомий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ваколатли раҳбар (юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс) томонидан қўлланилади.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик тизимидаги барча жавобгарлик турларининг мақсади табиий муҳит объектларидан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги нормаларига қатъий риоя этиш бўлиб ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ деярли барча ишларда, юридик жавобгарлик чоралари ҳуқуқий муҳофаза чоралари тизимининг муҳим йўналиши, таркибий қисми сифатида эътироф этилган.

Умуман олганда, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш билан бир қаторда, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини ва маданиятини ҳам ривожлантириш зарур. Яъни, ҳар бир инсон табиат олдидаги ўз маъсулиятини ва бурчини чуқур ҳис қилган ҳолда атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши лозим.

1.3 Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик тушунчаси

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бу соҳадаги қонунчиликни таъминлашнинг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Ўз меҳнат бурчларини қонунга номувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий

жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф ноҳўя хатти-ҳаракат асос бўлади.

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик – меҳнат муносабатлари юзага келган корхона, ташкилот ва муассасаларда шахсининг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли атроф табиий муҳитга зарар етказиш ёки унга хавф туғдириши боис меҳнат маъмурияти томонидан қўлланиладиган жавобгарлик тури.

Меҳнат қонунчилигини бузган шахс атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаши лозим. Зарар юридик шахс томонидан етказилган бўлса, у зарарни тўлиқ қоплайди ва ўз ходимидан қопланган суммани регресс тартибда ундириб олишга ҳақли бўлади.

Ходимнинг атроф табиий муҳитга етказган зарарни қоплаши масаласи махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади ва унинг миқдори аниқланади. Ушбу миқдорга қараб моддий жавобгарлик ё иш берувчи, ёки суд қарори асосида ундириб олинади.

Интизомий жавобгарлик ходимнинг атроф табиий муҳитга зарар етишига сабаб бўлган меҳнат интизомини бузганлиги учун қўлланилади. Меҳнат интизомини бузиш деганда, ходимнинг ўзига юклатилган меҳнат вазифаларни айбли равишда (ҳаракатсизлик) бажармаслиги, ёхуд лозим даражада бажармаслиги назарда тутилади. Ходим меҳнат интизомни бузиши деб баҳоланадиган айбли хатти-ҳаракатлари қуйидаги меъзонларга тўғри келиши керак: а) хатти-ҳаракати ҳуқуқга хилоф бўлиши, яъни Меҳнат кодекси талабларни, ички меҳнат тартиби қоидаларни интизом устави талабларни хизмат (лавозим) йўриқномасини меҳнат шартномаси шартларни бузган бўлиши керак; б) ходимнинг хизмат вазифаларни бузилишига олиб келган хатти-ҳаракати айбли бўлиши, яъни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган бўлиши керак; в) меҳнат интизомни бузиш унинг меҳнат вазифаларига таалуқли бўлган масалаларда юз берган бўлиши даркор.

Интизомий ҳуқуқбузарликлар шунингдек қуйидаги белгилари билан тавсифланади: а) ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмайди; б)

интизомий ҳуқуқбузарликлар меҳнат қонунчилиги, жиноят-ижроия қонунчилиги (озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан) ҳамда маъмурий қонунчилик (устав ва низомлар воситасида) билан тартибга солинади; в) интизомий ҳуқуқбузарликлар одатда, хизмат вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади; г) интизомий ҳуқуқбузарлик таркиби ва турлари жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан анча тор; д) интизомий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ваколатли раҳбар (юқори турувчи орган ёки мансабдор шахс) томонидан қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, интизомий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан атроф табиий муҳитга зарар етказган ёки етказиш хавфини келтириб чиқарган айбдор ходимлар меҳнат қонунчилигида белгиланган тартида интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Ўз меҳнат бурчларини қонунга номувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф ножўя хатти-ҳаракат асос бўлади. Интизомга хилоф ножўя ҳаракат-ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нобоп бажаришидир.

Шундай экан, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортишнинг асоси бўлиб, ходим томонидан интизомий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳисобланади ҳамда интизомий жавобгарлик иш берувчи томонидан ходимга, унинг вазифасига табиий ресурслардан фойдаланиш ёки уни муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилган бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

II. ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ

1.2. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жазо турлари

Интизомий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг нисбатан енгил шакли бўлиб, унга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари ҳам шунга мос равишда енгил бўлади. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, интизомий жавобгарлик меҳнат соҳасидаги экологик ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланилади. Ушбу ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарлик таъсир чоралари меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Экологик ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Меҳнат шартномасини бекор қилиб, айбдорни ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган энг оғир интизомий жазо чораси ҳисобланади. Чунончи, унинг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосларидан бири бу - ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги бўлиб, унга кўра, аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган

таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида интизомга хилоф ножўя ҳаракат такроран содир қилиниши меҳнат вазибаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади ҳамда иш берувчи томонидан шартномани бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, интизомий ҳуқуқбузарлик содир этган ходимга нисбатан юқорида кўзда тутилган (МК 181-моддасида белгиланган) интизомий жазо чораларидан бошқача жазо чораси қўллаш тақиқланади.

2.3. Интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жазоларни қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосланади. Унга биноан, интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар, органлар (МК 82-моддаси) томонидан қўлланилади.

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир экологик қонунчилик талабларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита экологик ҳуқуқбузарлик аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Экологик ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейин интизомий жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (МК 183-моддаси).

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликнинг турларидан бири интизомий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг нисбатан енгил шакли бўлиб, оғир ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди. Интизомий жазо бир йилгача бўлган муддатда амал қилади ва шу даврда ходимга рағбатлантириш усуллари қўлланилмайди.

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик келтириб чиқарадиган асосий ҳуқуқий оқибатлар юқорида таъкидлаганидек, қуйидагиларда намоён бўлади: у қўлланилган даврда ходимга рағбатлантириш усуллари қўлланилмайди; у ходимни моддий маҳрумликларга дучор этиши мумкин; унинг қўлланилиши ходим билан меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар бекор бўлишига сабаб бўлиши мумкин ва б.қ.

ХУЛОСА

Атроф табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экологик тизимни, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилгандир. Умуман олганда, экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик институтини такомиллаштириш билан бир қаторда, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онгини ва маданиятини ҳам ривожлантириш зарур. Яъни, ҳар бир инсон табиат олдидаги ўз маъсулиятини ва бурчини чуқур ҳис қилган ҳолда атроф табиий муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши лозим.

Шундай экан, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда, табиат комплекслари ва объектларидан зиён-заҳмат етказмасдан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиб, экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг экологик қонунчилик талабларини оғишмай бажаришлари ундайди. Зеро, экологик ҳуқуқбузарликлар экологик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг фактик асоси бўлиб, табиат ва жамият ўртасидаги нормал муносабатларнинг бузилиши билан тавсифланади. Экологик ҳуқуқбузарликлар таркиби ҳам анъанавий тўрт элементдан ташкил топган бўлиб, ушбу тўрттала элемент бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлгани ҳолда юридик жавобгарликни қўллашга асос бўлувчи экологик ҳуқуқбузарликни ташкил этади.

Юқоридагилар асосида экологик ҳуқуқбузарликлар турлари хилма-хил бўлиб, турли мезонларга кўра таснифланади ҳамда уларни бирлаштирувчи асосий жиҳати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ экологик муносабатларга тажовуз қилишидандир, деган хулосага келишимиз мумкин.

Интизомий ҳуқуқбузарлик содир этиш билан атроф табиий муҳитга зарар етказган ёки етказиш хавфини келтириб чиқарган айбдор ходимлар меҳнат қонунчилигида белгиланган тартида интизомий жавобгарликка тортиладилар. Ўз меҳнат бурчларини қонунга номувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф ножўя хатти-ҳаракат асос бўлади. Интизомга хилоф ножўя ҳаракат-ходимларнинг ўз меҳнат вазифларини жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нобоп бажаришидир. Шундай экан, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортишнинг асоси бўлиб, ходим томонидан интизомий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳисобланади ҳамда интизомий жавобгарлик иш берувчи томонидан ходимга, унинг вазифасига табиий ресурслардан фойдаланиш ёки уни муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилган бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарлик келтириб чиқарадиган асосий ҳуқуқий оқибатлар юқорида таъкидлаганидек, қуйидагиларда намоён бўлади: у қўлланилган даврда ходимга рағбатлантириш усуллари қўлланилмайди; у ходимни моддий маҳрумликларга дучор этиши мумкин; унинг қўлланилиши ходим билан меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар бекор бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Қонунчилик базасининг номукамаллиги юридик жавобгарликни самарали қўллаш механизмига салбий таъсир кўрсатади. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик самарадорлигининг ошишига сабаб бўлади.

Экологик қонунчилик талабларини бузиш натижасида етказилган зарарни ундириш шакли ҳар бир табиий ресурсга нисбатан унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва бу табиий муҳит (ресурс)нинг дастлабки ҳолатини тиклаш учун муҳим иқтисодий (моддий) базис шаклланиши учун хизмат қилади.

Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р Ё Й Х А Т И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 99-модда)
2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси). // “Туркистон”, 2011 йил 22 январь.
3. Исломов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). – Ташкент: Адолат, 2001. –Б.675-676.
4. Аҳмедшаева М. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 267.
5. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис... док. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С. 223.
6. Проблемы общей теории права и государства. Учебник. Под общ ред. В.С. Нерсесянца. М.: Норма-Инфра·М. 2001. – С. 490 - 493.
7. Файзуллаева Г.Г. Юридическая ответственность за нарушения права сельскохозяйственного землепользования. Дис... кан. юрид. наук. - Ташкент: ТГЮИ, 2001. – С. 18-20.
8. Экологическое право. Учебник / Под ред. В.В.Гучкова. - М.: Закон и право, 2000. – С. 200-201.
9. Ерофеев Б.В. Экологическое право России. – М.: Юристъ, 1996. – С. 277-278.
10. Манохин В.М., Адушкин Ю.С., Багишаев З.А. Российское административное право: Учеб. пособие. Владивосток, 1997. – С. 79.

11. Эффективность природоохранительного законодательства: (на материалах Казахской ССР) / Еренов А.Е., Мухитдинов Н.Б., Насырова Л.Р. и др. – Алма-Ата: Наука, 1988. – С.100.
12. Административное право. Учебник / Под ред. Л.Л.Попова. – М.: Юристъ, 2004. – С. 107.
13. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуки. Дарслик. Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2004. – Б. 115.
14. Меҳнат кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 578.
15. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳукуки. Дарслик. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2002. – Б. 96.